

## Инсонлар ҳақида яхши гумонда бўлинг!



17:02 / 06.09.2017 5822

Мусулмонларнинг энг катта муаммоларидан бири бир-бирлари ҳақида яхши гумонда бўла олмасликларидир. Зеро, киши ҳақида яхши гумон қилиш қалбларни ҳалимлаштириб, инсонга хуш кайфият бахш этади. Одамлар ҳақида яхши фикрда бўлиш хотиржамлик асосидир, у биродарлик алоқаларини мустаҳкамлайди, жамиятда инсонлар орасидаги ўзаро меҳр-муҳаббатни кучайтиради, юракларимиздан нафратни қувиб чиқаради.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни ҳар хил хаёлларга берилишдан қайтарганлар: “Гумондан сақланинглар, зеро, ёмон хаёллар, шубҳасиз, энг ёлғон каломлардир! Тахмин қилманг, жосуслик қилманг, бир-бирингиз билан мусобақалашманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг, бир-бирингизга жаҳл қилманг, душманлик қилманг ва эй одамлар, оға-ини бўлинглар!” Агар инсонлар пайғамбаримизнинг юқоридаги ҳадисларига амал қилганларида эди, дин душманларининг “Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” шиорига асосланган сиёсати амалга ошмаган бўларди.

Ёмон хаёллардан қутулишга кўмаклашувчи бир нечта усулларни санаб ўтамыз.

1. Дуо барча яхшиликларнинг калитидир. Аллоҳ таолодан ёмон хаёллардан халос этишини сўраб дуо қилиш керак. Зеро, Пайғамбар (с.а.в) нинг ўзлари ҳам Аллоҳ таолодан пок қалб ато этишини сўраб

дуо қилганлар.

2. Ўзини бошқаларнинг ўрнига қўйиш. Шубҳасиз, ҳар биримиз ўзимизни бошқаларнинг ўрнига қўйганимизда, бу бизнинг инсонлар ҳақида яхши гумонда бўлишимизга сабаб бўлар эди. Аллоҳ таоло ўзининг бандаларига қуйидагича мурожаат қилади (маъноси): “Эй иймон келтирган эркаклар ва аёллар, нега энди сизлар, буни эшитганингларда, ўзларингиз ҳақингизда яхши ўйламадинглар?” Аллоҳ таоло мусулмонларга бир бутун эканликларини тушунтироқчи бўляпти, мўминга мусулмон биродарини ўзи деб ўйлашга чақиряпти (маъноси): “Уйга кирганингизга ўзларингизга (бир-бирингизга) салом беринглар”.
3. Сўзларга яхши маъно бера олиш. Бизнинг солиҳ аждодларимиз бу борада катта ўрнак бўла оладилар. Умар (р.а) айтгандилар: “Ўз биродарингиз (эътиқод бўйича) айтган калом ҳақида ёмон гумонга борманглар, улардан яхшилиқ ахтаринглар”.
4. Хасталикларида у зотни кўргани келганларга Имом аш-Шофийнинг айтган сўзлари ҳақида ўйлаб кўринг. Ташриф буюрувчи имомга деди: “Аллоҳ таоло заифлигингни зиёда қилсин”. Имом: “Агар заифлигим зиёдалашса, у мени ҳалок қилади”, – дея жавоб бердилар. Ташриф буюрувчи эса “Аллоҳга қасамки, мен фақат яхшилиқ тилаган эдим”, – дедилар. Аш-Шофий ҳазратлари: “Ёдингда тут, агар сен мени койиган тақдирингда ҳам, мен фақат яхшилиқни ўйлайман”, – дея жавоб берганлар. Мана биродарлик ва мўминлар ҳақида яхши гумонга боришнинг гўзал намунаси! Ҳаттоки, очиқ-ойдин айбловни ҳам ижобий томонга ўгириш мақулроқдир.
5. Оқлаш учун сабаблар қидириш. Агар бир инсон сўзлари ёки ҳаракатлари билан кўнглингизга озор берган бўлса, бу биродарингизни оқлаш учун сабаблар қидиринг. Оқил одамлар қандай йўл тутиши мумкинлиги ҳақида ўйланг. Улар ўзгалар ҳақида яхши гумонда бўлганлар ва биродарининг номақбул ҳаракатини оқлаганлар, зеро: “Биродарингизни оқлаш учун 70 сабаб топинг” мазмунидаги ҳикмат бор. Ибн Сирин айтади: “Агар бир биродарингиз сизга озор берса, унинг ҳаракатларини оқлашга сабаб топинг. Агар сабаб тополмасангиз, унда: “Унинг бундай қилишига мен билмайдиган сабаб бор”, – деб айтинг”. Биз бошқаларнинг ҳаракатларини оқлашга ҳаракат қилганимизда ўзимиздан ёмон хаёлларни қувиб, биродарларимизни айблашдан тўхтаимиз. Шоир айтганидек: “Дўстингни койишга шошилма, уни айблаётганингда унинг сен беҳабар бўлган сабаби бордир”.

6. Гумонларга асосланиб қарор чиқармаслик. Бу инсонлар ҳақида ижобий фикрларни шакллантириш учун энг яхши усул. Биз ғайбни Аллоҳ таолога ҳавола қилганимиз яхши, чунки Ўзидан ўзгаси ғайбни билмас! Қодир Эгамиз бизнинг қалбларда яширин сирларни билишимизни истамади. Лекин У ёмон хаёллардан йироқ бўлишимизни буюрди.
7. Ёмон гумонларнинг оқибатлари ҳақида тадаббур қилиш. Инсонлар ҳақида доимо ёмон ўйлайдиганларнинг қалбларидан хотиржамлик кетгандек гўё, доимо улкан босим остида яшаётгандек. Инсонлар учун хато қилиш табиий, улар ўзлари хоҳламаган ҳолатда хатога йўл қўйиб қўядилар. Мусибат бир инсон ўзининг покдомон эканлигини даво қилиб, ўзгаларни гуноҳ қилишда айблашидадир. Бу иллат муқаддас Ислом динимизда тақиқланган. Аллоҳ таоло марҳамат қилади (маъноси): “Ўзларингизни тақводор қилиб кўрсатманг, зеро, Унинг Ўзигина қай бирларингиз тақводорроқ эканлигингизни яхши билади”. Одамлар ҳақида яхши гумонга бориш учун ҳаракат қилиб, ўз нафсига (эго) қарши курашиш керак. Иблис алайҳи лаъна инсон қонида юрар экан, у мусулмонларни бир-бирига қарши қайрашга уринаверади. Инсонлар ҳақида яхши гумонда бўлишгина Иблиснинг ишини чиппакка чиқаради. Аллоҳ таоло барчамизга мўмин ва мўминалар ҳақида фақат яхши гумонга боришга қодир покиза қалб ато этсин! Барча ҳамдлар фақат Унинг Ўзигагинадир!